ҚОЛОҚ ХЎЖАЛИК ҚОЛМАСИН

РЕЗЕРВЛАР

Совхозимизнинг ҳозирги тараққиёти ҳақида гап юритишдан олдин унинг бундан икки-уч йил олдинги аҳволи билан танишиш мақбулдир. Чунки эришилган муваффақият ва йўл қўйилган камчиликни кўздан кечириб, аччиқ сабоқлардан тегишли хулоса чиқариб олиш навбатдаги хўжалик вазифаларни тез ва муваффақиятли ҳал этишда катта роль ўйнайди.

2-«Қўшработ» совхози 1961 хўжалик йилини қониқарсиз якунлади. Қишлоқ хўжалик ва чорва маҳсулотлари тайёрлаш планлари бажарилмай қолди. Ғалвир сувдан кўтарилганда кўзда тутилган фойда ўрнига 180 минг сўм зарар кўрилгани аён бўлди. Кенгаш, йиғилишларда совхозимиз қолоқ хўжалик сифатида кўп тилга олинди. Бу бежиз эмас эди. Меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш, сортларини яхшилаш, сермеҳнат ишларни комплекс механизациялаш, қурилиш-ободончилик ишлари ҳам барбод берилган эди.

Биз хўжаликни қолоқликдан чиқариш ва илғорлар даражасига етказиш учун нималар қилдик, янги режаларимиз қандай? Мен шу ҳақда фикр юритмоқчиман. Чунки партия ва ҳукуматимиз қолоқ хўжаликларни олдингилар даражасига етказишни шу куннинг муҳим вазифаси қилиб қўйдилар.

Биз ишни хўжалик ҳисобини кенг жорий қилишдан бошладик. Коллектив хўжаликнинг тенг ҳуқуқли аъзосисан, уни қолоқликдан чиқаришга қўлингдан келган ҳиссангни қўш! Ишчилар олдига ана шундай талаб қўйдик. Совхозимиз коллективи ғалла, гўшт, сут, қоракўл тери, жун ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш учун бор имкониятлардан фойдалана бошладилар.

Масалан, ғаллачиликни олиб кўрайлик. 1961 йилда 10 минг гектар ерга дон экилиб, гектаридан зўрға 3 центнердан ҳосил олинди. Давлатга дон сотиш плани бажарилмади, хўжалик ўзини ўзи уруғлик, чорва моллар учун концентрат билан таъминлай олмади, запас фонд ажратилмади. Хўжалик ҳисобини жорий қилишдаги расмиятчилик, «хўжа кўрсин»чилик тугатилгач, ички резерв ва имкониятлар тобора кўпроқ ишга туширила бошлади, сарфланган харажатни икки-уч баравар қилиб ундириб олиш йўллари қидирилди. Ниҳоят, хўжалик ҳисоби ишчилар, инженер-техник ходимларнинг ташаббускорлигини оширди, маҳсулот етиштиришда моддий манфаатдорлик кучайтирилди. Натижа чакки бўлмади. Икки йилда ғалла майдони 8 минг гектар кенгайтирилиб, ҳосилдорлик тенгма-тенг ошди. Шу йилнинг ўзидагина совхозимиз давлатга пландаги 1800 тонна ўрнига 3100 тонна дон сотиб, катта ғалабани қўлга киритди. Уруғлик, запас фонд жамғариб қўйилди, концентрат етарли бўлди.

Бизда ҳар бир ишчи, инженер-техник ёки мутахассис ўз участкасининг хўжайинидир. У ердан ғалла, сигирдан бузоқ ва сут, қўйдан қўзи ва қоракўл тери, йилқидан қулун, туядан бўталоқ олиш планининг бажарилиши ҳақидагина ўйлаб қолмай, балки ана шу маҳсулотларни кўпайтириш, сортини ва сифатини яхшилаш, таннархини арзонлаштириш ҳақида ҳам жиддий бош қотиради. Ферма, отар, бригада — ҳамма ерда ана шу мақсад йўлида социалистик мусобақа авж олдириляпти. Маҳсулот бирлигига кетадиган сарф-харажатни кескин камайтириш ҳамманинг диққат марказида бўляпти.

Совхозимиз асосан чорвачилик хўжалиги, унинг фермаларида салкам 90 минг бош қоракўл қўй боқилади. Кўпчилик фермалар маҳсулот тайёрлаш планларини бажарса, айримлари бажармади. Сон ва сифат кўрсаткичлари ўртасида ҳам катта тафовут бор. Хўжаликни қолоқликдан чиқариб, илғорлар даражасига етказишда ана шу тафовутни йўқотиш, кам маҳсулли ферма, отар, бригадаларни юқори маҳсуллилар даражасига кўтариш муҳим омилдир. Мен буни айрим фактлар билан кўрсатиб ўтмоқчиман.

Р. Бобоёров, Ҳ. Қўшмоновлар бошлиқ фермаларда ҳар 100 бош совлиқдан 124-125 тадан соғлом қўзи олиняпти. Аммо бошқа фермаларда эгиз қўзи олиш 110 бошдан ошмади. Мутахассислар ва тажрибакорлардан иборат тузилган чўпонлар Совети аҳволни пухта ўрганиб чиқди. Ҳамма отарда совлиқларни СЖК усулида қочиришга ўтилди, озуқа базаси мустаҳкамланди. Янгидан 50 га яқин қишлик ва ёзлик қўйхоналар қурилди. Мутахассисларнинг масъулияти оширилди. Натижада қолоқ фермалар илғорлар даражасига етиб олиб, пешқадамлар эса янада юқори поғонага кўтарилди. Шу йўл билангина совхоз ҳар йили кўзда тутилгандан қарийб 7500 бош зиёд қўзи олаётир. Бу йил совхоз давлатга 25 минг дона ёки пландагидан 2 минг дона зиёд қоракўл тери етказиб берди. Наслга қўзи қолдириш плани ҳам ошириб бажарилди.

Гўшт етиштириш совхоз экономикасида салмоқли ўрин тутади. Ҳар йили давлатга 600-650 тоннадан гўшт етказиб бериларди. Сиртдан қаралса, кўрсаткич дурустга ўхшайди. Аммо ҳақиқий аҳвол гўшт етиштиришни кўпайтиришда ҳамма резервлардан тўла фойдаланилмаётганини кўрсатди.

Давлатга гўшт учун ҳар йили 10 минг бошдан зиёд қўй топширилади. Бу яхши, албатта. Лекин уларнинг семизлиги қандай? Бу масала ҳаммани ўйлантириб қўйди. 1961 йилда гўшт учун сотиладиган ҳар бош қўйнинг оғирлиги ўртача 26-30 килограмм эди. Агар туёқ сонини сақлаб қолиш чораси кўрилмаса, уч-тўрт йилда ҳамма қўйлардан ажралиб қолиш хавфи туғилди. Бунга йўл қўйиш мумкин эмас. Аҳволни тузатиш учун дарҳол бўрдоқичилик базаси ташкил қилдик. Энг тажрибали қўйбоқарларни шу жойга ишга кўчирдик. Мутахассислар озуқанинг тўйимлилиги, сифати, қўйларнинг соғлиги, сув билан таъминланишини текшириб бордилар, зарур топилган вақтда зоотехника ёрдами кўрсатилди. Бу кутган натижани берди. «Бир терига икки қўй сиғади» деганларидек, гўштга сотиладиган қўйларнинг тирик вазни 15-20 килограмм ошди. Бу йил совхоз бўйича гўшт учун сотилган ҳар бош қўй ўртача 45-50 килограмм бўлаётир. Эндиликда биз давлатга қарийб 1000 тонна гўшт сотмоқдамиз.

Чорвачилик — оғир ва мураккаб иш. Чорва молларнинг сиртини силаб, яхши парвариш қилинмаса, маҳсулот олишни кўпайтириш қийин. Чорвадорларимиз етти йилликнинг бешинчи босқичида давлатга 11 минг центнер сут сотишлари керак. Илгари ҳам шундай топшириқлар белгиланган. Аммо бажарилмай қолаверган ёки айрим йилларда зўрма-зўраки бажарилиб, хўжаликнинг ички эҳтиёжи учун сут қолмаган. Бунинг сабабини ўргандик, ем-хашак базасини мустаҳкамлаш сут етиштиришни кўпайтириш, демак, хўжаликни қолоқликдан чиқаришда ҳал қилувчи роль ўйнашини тушуниб, унинг изидан тушдик.

Бу йил совхозда 10 минг тоннадан кўпроқ хашак, шу жумладан, 452 тонна майин хашак, салкам 6 минг тонна сомон, 1643 тонна концентрат жамғарилиб, йиллик план анча ошириб бажарилди. Лекин ҳали бир ярим йилга етадиган миқдорда хашак тўплаш ҳақидаги мажбуриятимиз бажарилгани йўқ.

Хўжаликни қолоқликдан чиқаришда шахсий манфаатдорлик ҳам ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ҳалол меҳнат қилиб, кўп маҳсулот тайёрлаётган чўпон, молбоқар, чўчқабоқар, ғаллакор рағбатлантирилса, унинг меҳнатга муҳаббати ортади. Биз меҳнат ва етиштирилган маҳсулотга қараб рағбатлантириш усулини кенг қўлланмоқдамиз. М. Туймуродов, М. Марқобилов, У. Хушанов, С. Маматов сингари донгдор чўпонлар ҳар 100 бош совлиқдан 150-160 бошдан қўзи оляпти. Маъмурият уларни давлат белгилаган қоида асосида тақдирлаяпти. Илғорлар тажрибаси кенг оммалаштириляпти. Бошқа чўпон-чўлиқлар, молбоқар, сут соғувчилар — ҳамма касб эгалари улардан намуна олиб, чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, нархини арзонлатиш, маблағларни тежаш учун астойдил курашяпти.

Эгасизликка қарши қаттиқ кураш олиб бориш қолоқликни тугатишда муҳим омилдир. Хўжаликлар ҳар йили давлатдан кўплаб машина, запас қисмлар, қурилиш материаллари олади. Аммо уларни асраб, «умри»ни узайтиришга яхши эътибор берилмайди. Орадан бир-икки йил ўтгач гоҳ у, гоҳ бу баҳона билан яхшигина машина ёки инвентарь брак қилинади, ўрнига янгиси олинади. Бу билан маҳсулот таннархи қимматлашиб кетади. Буни ўйламасдан доим давлат омборига кўз тикилади. Биз ундай қилмадик. Машина ва агрегатлардан белгиланган фурсат ичида максимал даражада фойдаланишни ташкил қилдик. Автомобиль ёки тракторни капитал ремонтсиз узоқ вақт ишлатган механизаторларни рағбатлантириб боряпмиз. Бошқа механизаторларга ҳам шундай методни қўлланяпмиз. Натижада ортиқча чиқимлар тугатилди. Совхоз бўйича ҳар йили бир неча ўн минг сўм маблағ тежаб қолиняпти. 1962 йилда эса совхоз давлатга 28 минг сўм фойда берди.

Бироқ, коллективимиз олдида ҳали жуда улкан ва шарафли вазифалар турибди. Ғалла майдонини яна 3 минг гектар кенгайтиришимиз, ҳосилдорликни гектар бошига 8 центнерга кўтаришимиз, бунинг учун тупроқнинг унумдорлигини ошириб, бегона ўтни бутунлай йўқотишимиз, оғир меҳнат талаб қиладиган ишларни комплекс механизациялашимиз, совхозимизнинг маркази Жўш қишлоғида шаҳар типидаги посёлка бунёдга келтиришимиз керак. Совхозимизнинг фидокор коллективи хўжаликни қолоқликдан чиқаришдаги муваффақиятларини мустаҳкамлаб, бу вазифани ҳам шараф билан бажарадилар.

Н. КАРИМОВ,
Нурота ишлаб чиқариш бошқармасидаги 2- «Қўшработ» совхозининг директори.

БУХОРО ПАХТАКОРЛАРИ, БЎШ КЕЛМАНГ!

ҚАРДОШ ТОЖИКИСТОНДАН ХАТ

<>

Тожик халқида «Йилнинг яхши келишини унинг кўкламидан билиб олиш мумкин» деган матал бор. Бироқ бу йилги кўклам бутун Ўрта Осиёда «яхши» келмади, бемаврул ёққан ёмғир, кучли сел ва дўл колхозчиларнинг ташвишини оширди, экинларни нобуд қилди. Тошкентга етиб келган пайтимизда, мен ҳар вақтдагидек бозорлар мўл-кўлчилик ва мевалар билан тўкин бўлади деб ўйламаган эдим: ахир, худди айни ҳосил тугиш пайтида қаттиқ дўллар ҳаммасини уриб, оёқ ости қилган эди. Аммо мен Тошкент бозорларини ҳар галгидек фаровон, сермева, тўкин кўрдим. Сўнгра газеталарга диққат билан қараб, пахта йиғим-териминииг боришини кўздан кечирдим. Бу соҳада ҳам мени хурсандчилик ва қувонч қамраб олди. Маълумки, Ўзбекистон пахтакорлари ўзларининг қардошлари — тожик пахтакори каби қаҳрамонларча курашиб, мўъжизалар кўрсатиб, пахта ҳосили етиштирдилар ва областлар анчадан пахта топшириб қўйдилар. Бу йил колхозчиларимизнинг мўъжизакорлиги шу бўлдики, ерга қайта-қайта уруғ ташладилар, чигит экиш муддатлари ўтиб кетган бўлса ҳам, улар умидсизланмасдан эка бердилар, ҳеч бир ғов уларнинг йўлини тўса олмади, барча қийинчиликлар бартараф қилинди ва мўл ҳосил етиштирилди. Кузимиз тўкин-сочин келди, яхши, саховатли келди. Демак маталлар ҳам эскириб қолар экан.

Тожикистонда ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Машина-техника бўлмаганда шу қадар улкан ҳосилни йиғиб-териб олиш ақлга сиғмайдиган иш эди. Мен Ҳисор водийси колхозларида бўлдим, бу ернинг колхозчилари ўз мусобақадошлари — Ўзбекистон колхозчиларидан беғоят миннатдордирлар. Ўзбек пахтакорларининг вакиллари ўз вақтида қардошларча кўмакка етиб келдилар, камчиликларни очиб ташлаб, яхши маслаҳатлар бердилар. Шубҳасиз, бу йилги мўл ҳосилни тўплашда қўшниларнинг ёрдам қўллари, дўстона ва беғараз фикр-маслаҳатлари катта фойда берди.

Биз, совет ёзувчилари халқимиз билан ҳамнафасмиз, халқимизнинг ишларидан илҳомланамиз, ишимизнинг равнақи умумхалқ ишининг равнақига боғлиқдир. Эл хурсанд бўлса, биз ҳам хурсанд, эл ташвишда бўлса, биз ҳам ташвишда. Элнинг ҳар бир ютуғи бизга илҳом бағишлайди. Шунинг учун ҳам Бухоро областининг пахта йиғим-теримида олдинги сафда боришини бизни чексиз қувонтирмоқда. Бу тасодифий эмас. Мен Бухорода туғилиб ўсганман. Бухоронинг ҳар бир муваффақияти мени шоду мамнун этади.

Устод Рудакийнинг:

Бухородан менга томон эсган ҳар
бир шаббода,
Мушку анбар, гул ҳидидек завқим
қилур зиёда,

деб ашъор қуйлагани бежиз эмас.

Шу сабабли қалбимнинг тўлқинларини газета орқали ўз ҳамшаҳарларимга изҳор этмоқни истайман, уларни дастлабки муваффақиятлари билан табриклайман.

Сиз зўр меҳнат билан Бухоронинг унумдор тупроғида мўл «оқ олтин» ҳосили ундирдингиз. Бу пахта йиғим-теримида процентларнинг борган сари ошиб бораётганидан, марранинг кун сайин яқинлашаётганидан аёндир. Эндиликда шундай меҳнат қилингки, пахтанинг бир грамми ҳам нобуд бўлмасдан йиғиштириб олинсин, шундай ҳаракат қилингки, илғорлик қўлдан кетмасин, «оқ олтин» тоғлари бунёдга келсин. Ахир, фарғоналиклар ҳам, сурхондарёликлар ҳам, андижонликлар ҳам, тошкентликлар ҳам, самарқандликлар ҳам ва бошқалар ҳам ғайрат камарини белларига маҳкам боғлаб, бухороликлар, сизлар билан изма-из келишяпти, Ватанга кўплаб «оқ олтин» етказиб бериш мусобақасида ўзиб кетишга ҳаракат қилишяпти.

Мусобақадошларингиз тожик колхозчилари ҳам енг шимариб пахта йиғим-теримига киришдилар ва терим суръати тўхтовсиз ўсиб бормоқда. Сиз мамлакатимиздаги ажойиб ва дўстона социалистик мусобақага қўшилган эkансиз, суръатни сира бўшаштирманг. Шуни яхши билиб олмоғингиз кераккки, сизнинг ғайратингиз ва интилишларингиз фақат сизнинггина ҳаётингизни саодатли, бой ва фаровон қилиб қўймасдан, балки миллион-миллион дўстларингизни ҳам шоду хуррам этади, ишга ва шижоатга илҳомлантиради.

Мен, сизларни илҳомимнинг боиси, сарфарозлигимнинг боиси, ҳаётимнинг боиси деб айтдим, бу рост гап. Умидим шуки, мамлакатга тобора кўпроқ пахта етказиб бериб, доим пешқадамлар сафида бўларсиз, сизнинг бугунги йигирмангиз эртага ўттиз, эллик сўнгра юз бўлур, бундан менинг бошим ҳам кўкларга етади. Сизнинг ғалаба байрамингизга мен ҳам қатнашиб, самарали меҳнатда тобланган қўлларингизни маҳкам қисай, қадрли ҳамшаҳарларим!

Жалол ИКРОМИЙ,
тожик ёзувчиси.



СИРДАРЁ ОБЛАСТИ. Сирдарё ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ленинград» колхозининг механизаторлари барча майдондаги ҳосилнинг 85 процентини машиналарда териб бериш мажбуриятини олганлар. Ҳозир колхозда ҳосилни машинада териш бошланиб кетди. Суратда: терим машинасининг бункеридан пахта тўғридан-тўғри прицепларга юкланмоқда.

Р. Шамсиддинов фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

ИККИ БАРАВАР КЎП

Бухоро ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Маданият» колхози давлатга 400 центнер ўрнига икки баравар кўп сабзавот топширди. Шунингдек, «Пахтакор», Калинин номли, «Октябрь» колхозлари эл дастурхонига кўплаб қовун-тарвуз ва мева-чева етказиб бердилар.

Ж. ТУРДИЕВ.

ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ ВА УРУҒЧИЛИГИ БЎЙИЧА БУТУНИТТИФОҚ КЕНГАШИ

16 сентябрда Тошкентда, Округ офицерлар уйида пахта селекцияси ва уруғчилиги бўйича Бутуниттифоқ кенгаши ўз ишини бошлади. Кенгашда селекциячи ва уруғчи таниқли олимлар, мамлакатдаги барча пахтакор республикалардаги тайёрлаш ташкилотлари ва пахта тозалаш саноатининг ходимлари, шунингдек тўқимачилик саноати ходимлари қатнашмоқдалар.

Кенгаш селекция муассасаларида пахтанинг янги сортларини яратиш, элита уруғчилиги хўжаликларида районлаштирилган (саноат) сортларини яхшилаш, колхозларда, совхозларда тайёрлаш тармоқларида ва пахта тозалаш заводларида экиш учун мўлжалланган чигит сифатини яхшилаш проблемаларини муҳокама қилади.

СССР Госплани ҳузуридаги Ўрта Осиё Пахтачилик давлат комитети раисининг ўринбосари Б. П. Фирсов «СССР пахтачилигининг истиқболлари тўғрисида» доклад қилди.

Сўнгра Ўрта Осиё пахта селекцияси ва уруғчилиги институтининг директори С. С. Канаш «Пахта селекциясининг аҳволи ва самарали методлари тўғрисида» доклад қилди.

Шунингдек, Марказий ип газлама саноати илмий тадқиқот институтининг старший илмий ходими И. И. Смирнов, СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалик экинлари сортларини синаш бўйича давлат комиссияси пахта бўлимининг старший агрономи Г. Н. Борисов, биология фанлари доктори Д. В. Тер-Аванесян (Бутуниттифоқ ўсимликшунослик институти) докладлари ҳам тингланди.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюроси раисининг ўринбосари С. М. Веселов иштирок этмоқда.

Кенгаш уч кун давом этади.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Мавсумда 14 тонна пахта теришга аҳд қилган Бўка ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммунизм» колхозининг моҳир теримчиси Тошбуви Жиянова колхоз хирмонига ҳар куни 100.120 килограммдан «оқ олтин» тўкмоқда. Суратда: Тошбуви Жиянова.

М. Шевелев фотоси.

САБЗАВОТ—ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Республикамиз сабзавотчилари аҳолини сабзавот, картошка, мева, узум, қовун-тарвуз билан тобора кўпроқ таъминлаш учун курашиб, катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Улар Москва, Ленинград ва бошқа шаҳар меҳнаткашларига бу қимматли маҳсулотларни ўтган йилдагидан анча кўп етказиб бердилар, бу соҳадаги топшириқни муддатидан илгари бажардилар.

Лекин далаларда йиғиштириб олинмаган ҳосил ҳали анча бор. Сабзавотчиларимиз ана шуни ҳисобга олиб, қардош республика меҳнаткашларига пландан ташқари 110 минг тонна сабзавот, қовун-тарвуз, мева ва узум етказиб беришга аҳд қилдилар. Пешқадам сабзавоткор колхоз ва совхозлар етилган ҳосилни тез йиғиштириб олиб тайёрлов пунктларига, шаҳар меҳнаткашларига пешма-пеш жўнатмоқда. Сирдарё областининг хўжаликлари сентябрнинг дастлабки ўн кунлигида йиллик планнинг 31,6 проценти, Тошкент областининг колхоз ва совхозлари 10,6 проценти миқдорида сабзавот тайёрладилар.

Бу фактлар етти йилликнинг бешинчи йилида сабзавотдан, қовун-тарвуздан, мева ва узумдан мўл ҳосил етиштирилганлигини, зиммага олинган қўшимча мажбуриятни муваффақиятли бажариш учун ҳамма имконият мавжуд эканлигини кўрсатиб турибди. Аммо ҳамма колхоз ва совхозларда ҳам бу имкониятлардан тўла фойдаланилмаётир. Ана шундай жойларда сабзавотни йиғиштириб олиш ва тайёрлаш ишлари кечиктириб юборилмоқда. Қорақалпоғистон АССР 15 сентябргача сабзавот тайёрлаш юзасидан олган мажбуриятини бор-йўғи 20 процент, Фарғона области 45 процент атрофида бажарди.

Сабзавот, картошка, қовун-тарвуз ва мевани матлубот кооперацияси йўли билан харид қилиш айниқса орқага сурилмоқда. Фарғона область матлубот жамияти аҳолидан қовун-тарвуз харид қилиш юзасидан берилган планни ҳали 30 процент ҳам бажаргани йўқ. Сурхондарё область матлубот жамияти аҳолидан сабзавот сотиб олиш планини энди 52 процент, Хоразм область матлубот жамияти 54 процент адо этди. Бу соҳада Қорақалпоғистон АССРда аҳвол айниқса ачинарли.

Бундай сусткашликнинг сабаби — кўпгина колхоз ва совхозларда даладаги ҳосилни йиғиштириб олишга, жўнатишга етарли эътибор берилмаётганлигидир. Тошкент областидаги «Бўзсув» совхозида уруғлик помидор ва қовун-тарвузни йиғиштириб олиш жуда ёмон ташкил этилган. Совхоз директори ўртоқ М. Каримов бу ишга бепарво қарамоқда. Совхозда ҳосилни йиғиштириб оладиган агрегатлар тўла ишга солинган эмас, ишчи кучлари ҳам етарли ажратилмаган. Бу ҳол уруғлик помидор ва қовун-тарвузнинг далада ўзоқ туриб қолиб, бир қисми нобуд бўлишига сабаб бўлмоқда. Сортли уруғлик жамғариш билан шуғулланадиган «Узсортсемовощ» бошқармасининг бошқарувчиси ўртоқ Дрепин бундан ташвишланмаётир. Бундай аҳволни бошқа жойларда ҳам учратиш мумкин.

Баъзи колхоз ва совхозларда, ишлаб чиқариш бошқармаларида йиғиштириб олинган сабзавотни ташишда катта камчиликларга йўл қўйилмоқда. Сирдарё областининг Киров ишлаб чиқариш бошқармасида қоп вақтида етказиб берилмаганлиги натижасида бир неча ўн тонна пиёз узоқ вақт тўхтаб қолган. Бунда ўша жойдаги матлубот кооперациясининг ходимлари кўпроқ айбдордирлар.

Сабзавоткор колхоз ва совхозлардаги бутун кучни пишиб етилган маҳсулотни йиғиштириб олишга сафарбар этиш, ҳосил йиғиштирадиган агрегатлардан тўла ва унумли фойдаланиш, хўжаликларни қоп ва бошқа идишлар билан керагича таъминлаш, ташиш ишларини тўғри ташкил этиш зарур. Шунга эришиш кераккки, йиғиштириб олинган сабзавот, қовун-тарвуз ва бошқа маҳсулот хўжаликларда узоқ вақт туриб қолмасин, аҳоли уни вақтида, янгилигида олсин.

Уруғлик помидор, пиёз, қовун-тарвузни йиғиштириб олишга алоҳида эътибор бериш зарур. Уруғлик хўжаликларида бу ишни тўғри ташкил этиш «Узсортсемовощ» бошқармасининг жонажон ишидир. Бу ташкилот сортли уруғликни етарли жамғариб, келгуси йилда сабзавоткор колхоз ва совхозларни аъло сифатли уруғ билан тўла таъминлаш учун жавобгардир.

Сабзавот, мева, узум, қовун-тарвуз дастурхонимиз безагидир. Бу йил давлатга, шаҳар меҳнаткашларига сабзавотни, картошка, мева, қовун-тарвуз ва узумни ҳар йилдагидан ҳам кўпроқ етказиб бериш учун бизда ҳамма шарт-шароит бор. Ана шу имкониятлардан самарали фойдаланиб, аҳолининг бу маҳсулотга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондирайлик.

ЛОЙИҲАЧИНИНГ МАСЪУЛИЯТИ

ИҚТИСОДИЙ ТЕМАДА

<> <>

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1964—1965 ва шундан кейинги йилларга мўлжалланган халқ хўжалиги планини ишлаб чиқишнинг асосий принциплари ва йўналишлари ҳақидаги хатида уқтириб ўтилганидек, бизда капитал маблағлар конкрет объектлар ва қурилишларга эмас, балки саноат тармоқларига «ялпи» сарфланмоқда. Бундай усул жойларда маблағларни мамлакат экономикасининг энг муҳим тармоқларига сарфламасдан, балки маҳаллийчилик манфаатларини кўзлаб, «ўз» корхоналарини қуриш учун сарфлашга йўл очиб беради. Натижада давлат маблағлари ва моддий ресурслар узоқ муддат бекор ётади.

Фикримизча, маблағларни «яхлатиб» қўйиш бир қанча ҳолларда лойиҳа тайёрланаётганда рўй беради. Кейинги йилларда республикамизда лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш учун маблағ сарфлаш айниқса кўпайди. Аммо баъзи ҳолларда лойиҳа-смета ишлари учун маблағ сарфлаш йиллик капитал қурилиш планлари билан узвий боғланмайди. Қурилиши етти йиллик планда ҳам кўрсатилмаган объектлар учун лойиҳа тайёрлашдек ёмон одат пайдо бўлди. Бу шунга олиб келмоқдаки, тайёрланган техника ҳужжатлари ё эскириб қолмоқда ёки катта зарар келтирмоқда.

Республикамиздаги кўпгина лойиҳалаш институтлари 1965 йилдан кейин қуриладиган корхоналарнинг лойиҳаларини ишлаб чиқишга киришдилар. Фақат Тошкент областидагина бундай объектларнинг сони 30 га яқиндир. Булар орасида Оҳангарон шаҳрида қурилиши мўлжалланган майдалаш-саралаш комплекси (лойиҳа ишлари учун бу йил 35 минг сўм ажратилган), Олмалиқда барпо этиладиган йирик панелли уй қуриш заводи (лойиҳаси учун 25 минг сўм ажратилган), қурилиш ва йўл машиналари ремонти бўйича завод (лойиҳага 35 минг сўм ажратилган) ва бошқа объектлар шулар жумласидандир.

Шу билан бир қаторда 1964 йилда қурилиши лозим бўлган объектларни лойиҳалаштириш учун маблағ мутлақо ажратилмаяпти ёки ажратилган маблағ етарли эмас. Чунончи келгуси йилда қуриладиган «Ташавтомаш» заводининг ишчилар посёлкасини лойиҳалаштиришга ҳанузгача маблағ ажратилгани йўқ. «Ташкенткабель» заводида ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш мақсадида 81 минг сўмлик қурилиш ва монтаж ишлари бажарилиши лозим. Лойиҳа учун эса атиги 6,6 минг сўм ажратилган. Тошовул, Новомихайловск, Солдатское ва Жумабозор жут-каноп заводларининг реконструкциялари бўйича лойиҳа ишларини бажариш учун ажратилган маблағлар умуман шу ишга сарфланадиган маблағларнинг бешдан бир қисмини ташкил этади.

Бу ножўя планлаштиришнинг оқибати қалай бўлади? Натижада давлат маблағлари совурилиши турган гап. Қурилиш бошланишидан 5-7 йил илгари 950 объект лойиҳасини тайёрлаш учун 47 миллион сўм сарфланган эди. Ҳозир эса ана шу объектларнинг ҳаммаси қачонлардир титул рўйхатига киради дейдиган азаматнинг ўзи йўқ. Фақат Тошкент области бўйичагина кейинги икки йилда 273 минг сўм сарфлаб тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари бекор қилинди.

«Узгипротяжпром» лойиҳалаш институти «Подьёмник» заводи филиалини лойиҳалаштираётганида, «Узгипролегпром» институти Тошкент пайпоқ-трикотаж фабрикасини лойиҳалаштираётганида биринчи институт бўйича 35,2 минг сўм, 2-институт бўйича 1183 сўмлик лойиҳа ишлари чиппакка чиқди. Лойиҳа топшириғи ўзгарганлиги сабабли ана шу лойиҳалар брак қилинди.

Планлаштирувчи органларимиз келгусидаги лойиҳалаш ишларини планлаштираётганда у ёки бу объектни қуриш иқтисодий жиҳатдан қанчалик мақсадга мувофиқ эканлигини ҳамма вақт ҳам ҳисобга олаётирлар, деб бўлмайди. Ўтган йили Облиқда саралаш заводи фойдаланишга топширилди. Бу янги корхона давлатга 380 минг сўмга тушган. Аммо ҳозиргача ҳам завод лойиҳада кўрсатилган қувват билан ишламаяпти. Бунинг устига устак «Узгипростройиндустрия» институти худди ана шу ерда аввалгисидан ҳам каттароқ майдалаш-саралаш заводини лойиҳалашга киришди. Облиқдан сал нарида яна шу хилдаги бир завод қурилиши мўлжалланмоқда. Қурилиш индустрияси корхоналарини эҳтиёж бўлса-бўлмаса ёнма-ён қураверишзарурми? Зарур эмас, албатта. Бунинг боиси шундаки, Тошкент областидаги қурилишлар учун 1965 йилга келиб, 3 миллион кубометр инерт материаллар зарур бўлади. Ҳозир лойиҳалаштирилаётган шағал саралаш заводларининг қуввати эса 5 миллион кубометрга тенг бўлиши керак.

Тошкент тўқимачилик комбинати ҳузурида резина буюмлари заводи қурилишини лойиҳалаштириш техника-иқтисодий жиҳатдан асосланмаган эди. Лойиҳалаш ишлари бошланди-ю, кейинчалик тўхтатиб қўйилди. 2835 сўмлик лойиҳа ишлари уч пулга қиммат бўлиб қолди. Капитал маблағларни планлаштириш тўғри бўлганида эди, шунча маблағ нес-нобуд бўлиб кетмас эди. «Главташкентстрой» ташкилотлари бўйича лойиҳа ишларига маблағ ажратишни планлаштиришда ҳам хатоликларга йўл қўйилмоқда. Тошкент шаҳрида жойлашган 9 умумқурилиш ва махсус трестлар учун ҳар бирига алоҳида-алоҳида ремонт-механика устахоналари бўлган механизация базалари, моддий-техника таъминоти базаси, бетон ва қоришма тайёрлаш учун заводлар қурилиши лойиҳалаштирилмоқда. Тошкентдаги ҳамма трестлар учун ягона механизация ва моддий-техника таъминоти базасини лойиҳалаштириш ва қуриш мақсадга мувофиқ бўлмасмиди!?

Баъзи лойиҳалаш институтлари, жумладан «Узгипропромпроект» саноатнинг хилма-хил тармоқлари бўйича корхоналар қурилишини лойиҳалаштираётганликлари сабабли ҳам улар тайёрлаётган лойиҳа-техника ҳужжатларининг сифати паст. Лойиҳа-смета ҳужжатларида фан ва техниканинг энг янги ютуқлари, типизация ва унификация масалалари тўғри ҳал қилинмаётир, темир-бетондан кенг фойдаланиш кўзда тутилмаётир. «Узгипропромпроект» институти Давлат махсус конструкторлик бюросининг корпусларини лойиҳалаштираётганида колонналарнинг 15 хилини ва деталларнинг 74 турини қўлланишни кўзда тутган. Бундай лойиҳа қурилишнинг секин боришига ва унинг таннархининг қимматга тушишига олиб келади.

Капитал маблағларни марказлаштириш лойиҳалаштириш жараёнида бошланади. У қонун бўлиши керак. Шунинг учун ҳам лойиҳа ишларини планлаштираётган ва маблағ билан таъминлаётган вақтда қурилиши кўзда тутилаётган объектларни эътибор билан танлаб олиш керак. Лойиҳа-смета ишлари учун йиллик маблағ миқдорини капитал қурилиш кўламига қараб белгилаш лозим. Капитал қурилиш планининг муваффақиятли бажарилиши лойиҳачиларга ҳам боғлиқ. Шунинг учун ҳам лойиҳачилик ташкилотлари ва лойиҳачиларнинг масъулиятини ошириш лозим.

В. СКОРОДУМОВ.

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ҲАВАСКОРЛАР КРЕМЛЬ САҲНАСИДА

Москваликлар Ўзбекистоннинг Марғилон маданият уйи, «Қизил Ўзбекистон» колхози халқ санъаткорларининг концертларини зўр хурсандчилик билан томоша қилдилар

Тошкент область, Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Димитров номли колхоз ҳаваскорлари ҳам Кремль театрида концерт бердилар. Концерт программасидаги қуёшли Ўзбекистон, колхоз қишлоқларидаги фаровон ҳаёт, дўстлик, биродарликни акс эттирувчи қўшиқлар айниқса ҳаммага манзур бўлди

Концертдан сўнг колхоз артистларини СССР Маданият министрлиги Москва театр жамиятининг вакиллари ва Кремль театри дирекцияси пойтахт меҳнаткашлари номидан табрикладилар.

В. БЕЛЯКОВ,
Кремль театрининг бадиий редактори.

Оламда нима гап

РЕВАНШЧИЛИК АВЖ ОЛИБ КЕТДИ

БЕРЛИН, 16 сентябрь. (ТАСС). «Ватан куни» деб аталган кун ўтказилаётганлиги муносабати билан кеча Ғарбий Германия шаҳарларида реваншчиларнинг жуда кўп йиғилишлари бўлди. Ғарбий Германиядаги Қуйи Саксония ўлкасининг ўзидагина реваншчиларнинг юздан кўпроқ митинглари ўтказилди.

АДН агентлигининг хабарида айтилишича, Швандорфдаги реваншчилар митингида Бонн транспорт министри Зеебом нутқ сўзлади. У, Шарқий Европа мамлакатларини «озод қилиш»ни талаб этди. У, йиғилишдагиларнинг реваншчилик хисларини авж олдириб, Потсдам битимини «қонуний юридик асосга эга бўлмаган муваққат қарор» деб эълон қилди. Судет немислари, деди Зеебом «ўз ватанларининг озод қилинишини талаб этишга ҳақлидирлар». У, ядро синовларини қисман тақиқлаш тўғрисидаги Москва Шартномасини қоралаб гапирди.

КУРДЛАР ТАСЛИМ БЎЛМАЙДИ

ПАРИЖ, 16 сентябрь. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги хабар беради: Курдлар мустақил Курд давлати тузмоқчи деган хабарларни курд раҳбарларидан бири бўлган Жалол Атталабоний кеча рад қилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг сессиясида қатнашиш учун Нью-Йоркка бора туриб Парижга келган Атталабоний Ироқ ҳукумати «бизни сепаратизмда айблаб ҳамда Араб афкор оммаси олдида ва қўшни мамлакатлар олдида бизнинг обрўйимизни тўкиш мақсадида» шундай хабарларни тарқатди, деб айтди.

Атталабоний Англиянинг Ироққа ёрдам бераётганлигини қоралаб, бундай деди: «Инглизлар тоғли жойларда бўладиган жангларда фойдаланиш учун Ироққа махсус қурол-яроғ, айниқса самолётлар ва енгил танклар етказиб берганликлари энди равшан бўлиб қолди». Атталабоний, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг бу сафарги сессияда курдлар масаласи муҳокамага қўйилади, деб умид билдирди.

ЖАНУБИЙ Вьетнам. Нго Динь Дьем шайкаси халққа қарши уруш олиб бормоқда, террор ва оммавий репрессиялар билан диктаторлик ва фашистлик тузумига қарши ҳаракатни бостиришга уринмоқда. Армия ва қуролли полиция бир қатор будда ибодатхоналарини вайрон қилди ва ўт қўйиб ёндирди, минглаб монахларни, ўқитувчи ва студентларни қамоққа олди. Америкадаги ЮПИ агентлиги тарқатган суратда: Нго Динь Дьем солдатлари Сайгон кўчаларида патруллик қилмоқдалар.

ЖАЗОИРНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ

Ғарбий Жазоирдаги кичкина шаҳарча Марнияда 1919 йилда унча бой бўлмаган оилада туғилди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида французлар армиясида сержантлик лавозимида хизмат қилди, бир неча жанговар мукофотлар олди. Урушдан кейин Жазоир халқининг француз мустамлакачиларига қарши миллий озодлик курашида фаол қатнашди. «Демократик эркинликлар тантанаси учун ҳаракат» деб аталувчи ярим ҳарбий яширин ташкилотга бошчилик қилди. Бин Белла Жазоир революциясининг етакчи арбобидир.

1950 йилда француз маъмурлари томонидан қамоққа олинди, лекин 1952 йилда Қоҳирага кочиб бориб, «Тўққизлар комитети»га кирди. Бу комитет 1954 йил 1 ноябрда Жазоир халқининг чет эл ҳукмронлигига қарши революцион қўзғолонига бошчилик қилди. Бин Белла Жазоир революциясининг бошқа арбоблари билан биргаликда Миллий озодлик фронтини тузди. 1956 йил август ойида миллий озодлик курашининг олий раҳбар органи — Жазоир революцияси Миллий кенгашининг аъзоси қилиб сайланди. Марокаш самолетида 1956 йил октябрь ойида учиб кетаётганида француз ҳарбий маъмурлари томонидан ғайри қонуний тарзда қўлга олинди ва 1962 йилгача Францияда тюрьмада ётди. 1958 йилда сиртдан Жазоир Республикаси муваққат ҳукумати раисининг ўринбосари қилиб сайланди. 1962 йил 26 сентябрда Жазоир Халқ Демократик Республикаси ҳукуматига бошлиқ бўлди. Бин Белла, шунингдек, ҳукмрон партия бўлган Жазоир миллий озодлик фронти Сиёсий бюросининг бош секретари ҳамдир.

Бин Белла бошчилигидаги ҳукуматни кенг халқ оммаси қўллаб-қувватламоқда. Жазоирни нокапиталистик ривожланиш йўлига солиб юбораётган ҳукумат тадбирлари унинг номи билан боғлангандир. Бин Белла бетарафлик ва ҳарбий блокларга аралашмасликка асосланган ташқи сиёсат тарафдоридир.

МЕҲНАТ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО СЕМИНАР

Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамиятининг биноси 16 сентябрда кишилар билан гавжум эди. Ишчи кучлари ресурсларини ва унга бўлган эҳтиёжларни баҳолаш ҳамда плачлаштириш масалаларига бағишланган халқаро семинар ўша куни бу ерда ўз машғулотларини давом эттирди. Халқаро меҳнат ташкилоти программасига мувофиқ, СССР Министрлар Советининг Меҳнат ва иш ҳақи масалалари бўйича давлат комитети томонидан ўтказилаётган бу семинарнинг дастлабки машғулотлари Москвада ўтказилган эди. Семинарда 16 чет эл мамлакатнинг мутахассислари қатнашмоқда.

Машғулотлар бошланиши олдидан республика ва пойтахт меҳнаткашларининг вакиллари семинар қатнашчиларини самимий табрикладилар. Семинар директори, Халқаро меҳнат ташкилотининг вакили жаноб Х. Дейвинпорт табрикларга жавоб қайтариб, чет эл мутахассисларининг Тошкентда самимий кутиб олинганликлари учун ташаккур изҳор қилди.

Семинарнинг биринчи машғулотида Ўзбекистон ССР Госпланининг раиси С. К. Зиёдуллаев «Ўзбекистоннинг индустрлаштирилиши ва ишчи кучларини иш билан таъминлаш структурасининг ўзгариши» темасида лекция ўқиди.

17 сентябрда семинар қатнашчилари «Перспективадаги меҳнат ресурсларини баҳолаш методикаси ва уни Ўзбекистон республикасида қўлланиш тажрибаси» ҳақида лекция тингладилар.

Семинар программасида лекциялардан ташқари, чет эл мутахассисларининг корхоналарга ва ўқув юртларига экскурсиялари кўзда тутилади. Семинар қатнашчилари Политехника институтида бўлдилар.

(ЎзТАГ).

ҚАРДОШЛИК НАМОЙИШИ

БЕРЛИН, 16 сентябрь. (ТАСС). Германия Демократик Республикаси халқ армияси, Польша, Совет ва Чехословакия армиялари қўшилмаларининг ва ҳарбий қисмларининг Германия Демократик Республикасида маневрлари ўтказилганлиги хабар берилган эди. Шу маневрларда қатнашган ҳарбий қисмларнинг 15 сентябрда Дрезденда паради бўлди. Бу парадда Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Германия Демократик Республикаси Давлат кенгашининг раиси ва миллий мудофаа кенгашининг раиси Вальтер Ульбрихт, Варшава шартномасида қатнашувчи мамлакатлар бирлашган қуролли кучларининг бош қўмондони, Совет Иттифоқи Маршали А. А. Гречко, Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари ва кандидатлари, социалистик мамлакатларнинг мудофаа министрлари ҳозир бўлдилар. Шаҳарнинг ўн минглаб аҳолиси уларни бош трибунага чиқишлари билан қизғин табриклади.

Германия Демократик Республикасининг миллий мудофаа министри, армия генерали Г. Гофман қисқа нутқ сўзлаб, маневр қатнашчиларига биргаликда ўтказилган машқлар вақтида кўрсатган маҳоратлари учун ташаккур айтди.

Совет Иттифоқи Маршали А. А. Гречко Варшава шартномасида қатнашувчи мамлакатларнинг бирлашган қуролли кучлари қўмондонлиги номидан гапириб, жангчиларни машқларни муваффақиятли тамомлаганликлари билан табриклади, бу машқлар ҳамма қўшин турларининг моҳирлик билан ҳаракат қилганлигини намойиш қилди ва уларнинг жанговар тайёрлиги юксак даражада эканлигини кўрсатди, деди. У, Германия Бирлашган социалистик партиясининг Марказий Комитети, Германия Демократик Республикасининг ҳукумати ва шахсан ўртоқ Вальтер Ульбрихт бу машқларнинг Германия Демократик Республикаси территориясида ўтказиш имкониятларини берганликларини ва бунинг учун катта ташкилий иш олиб борганликларини айтиб, бунинг учун уларга ташаккур изҳор қилди.

Моторлашган ўқчи қисмлар, танк, артиллерия ва десант бўлинмалари йиғма ҳарбий оркестр садолари остида трибуна ёнидан ўтдилар.

Бу парад қуролдош қардошликни ҳамда қардош армиялар тинчлик ва социализм ишини ёнма-ён туриб ҳимоя қилишга қаттиқ бел боғлаганликларини кўрсатувчи ёрқин намойиш бўлди.

Германия Демократик Республикаси Давлат кенгашининг раиси В. Ульбрихт параддан сўнг Дрезденда қабул маросими ўтказди. Қабул маросимида қардош мамлакатларнинг қўшма маневрларида ҳозир бўлган раҳбар сиёсий ва ҳарбий арбоблари иштирок қилдилар.

В. Ульбрихт қабул маросимида нутқ сўзлаб, бу маневрлар Варшава шартномасида қатнашувчи давлатларнинг бирлашган қуролли кучларининг қудратини ва жипслигини кўрсатувчи намойиш бўлганлигини таъкидлади. Бу маневрлар, деди у, қўшилмалар ва ҳарбий қисмларни, уларнинг командирлари ва штабларининг юксак жанговар тайёрлигини ва аъло жанговар сифатларини кўрсатди. В. Ульбрихт бу маневрлар Германия Демократик Республикаси учун муҳим ҳарбий сиёсий воқеа бўлди, деди. У маневр қатнашчиларига Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси, Германия Демократик Республикасининг Давлат кенгаши ва ҳукумати номидан ташаккур айтди.

Совет Иттифоқи Маршали А. А. Гречко ўз нутқида қўшма маневрлар натижасида мудофаага тайёрлик кучайганлигини уқтириб ўтди.

ОЗОДАЛИК—ГЎЗАЛЛИК РАМЗИ

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг яқинда бўлиб ўтган сессияси шаҳарнинг санитария аҳволи тўғрисидаги масалани ва шаҳар хўжалигининг ана шу муҳим участкаси фаолиятини янада яхшилаш тадбирларини қизғин муҳокама қилди. Шаҳар ижроия комитети эса шаҳар Совети сессиясининг бу қарорини амалга ошириш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқди.

Ҳар ҳафтанинг жума куни — Тошкент шаҳрида санитария куни деб эълон қилинди. Бу кун қоидага кўра, барча муассасалар, корхоналар, маҳалла комиссиялари, квартал ва уй комитетлари, турли идораларнинг уй комендантлари бутун аҳолини бу ишга актив жалб қилиш билан ўз территорияларини санитария жиҳатидан намунали ҳолга келтириш чораларини кўрмоқдалар.

Ленин, Киров ва Октябрь район ижроия комитетларида бу иш яхши ташкил этилди. Бу районларнинг меҳнаткашлари жума кунлари ўзларининг жонажон шаҳрини санитария жиҳатдан озода сақлашда бевосита актив қатнашяптилар. Маҳаллий Советларга қарашли уйларда ва хусусий уйларда яшовчи хонадонларда тўпланиб қолган ахлатларни ҳеч қандай заявкасиз ташиб олиш тартиби бутун Тошкент шаҳрида кенг қўлланиляпти. Кўпгина жойларда эса ахлат яшиклари бутунлай йўқотилиб, рўзғор ташландиқларини ҳар куни ташиб кетиш одат тусига киритилди.

Ленин ва Киров районлари сингари районларда райижрокомларнинг ёрдами билан санитария-тозаликни сақлаш ходимлари хусусий уйларни ҳам деярли тўла ўз қарамоғига олдилар. Шаҳарнинг бошқа районларида ҳам райижрокомлар, маҳалла комитетлари, квартал комитетлари хусусий уй эгаларидан уларнинг заявка беришларини кутмасдан рўзғор ташландиқларини ташиб кетишни ташкил этишда шундай ёрдам берсалар шаҳримиз янада озода бўлур эди.

Маълумки Тошкент жуда катта шаҳар. Унинг 5 мингдан кўпроқ кўча, проезд ва тупиклари бор. Меҳнаткашлар дам оладиган ва ўзларининг бўш вақтларини ўтказадиган жамоатчилик майдонлари оз эмас. Биз бу жойларда меҳнаткашларнинг истироҳати учун қулай шароит яратиб бермоғимиз керак.

Шуни очиқ айтиш керакки, шаҳримиз озодалиги билан ҳали жуда ҳам мақтана олмаймиз, жамоатчиликнинг иштирокисиз фақат давлат маблағлари билангина шаҳарни санитария жиҳатидан намунали ҳолга келтириб бўлмайди. Шаҳримиз аҳолиси зич ва яна ой сайин кўпайиб бораётган, ёз мавсумида эса санитария жиҳатидан алоҳида эътибор беришни талаб қиладиган шаҳардир, бу ишдан ҳар бир меҳнаткаш манфаатдор.

Худди шу мақсад билан санитария-тозалик бошқармаси Тошкент шаҳар ижроия комитетининг санитария-тозалик автотранспорти базаси қилиб қайта тузилди. Бу базанинг олтита механизациялаштирилган автоколоннасида автотранспорт икки баравар кўпайтирилди.

Тошкент шаҳар санитария-тозалаш автотранспорт базаси ҳозир етарли миқдорда ахлат ташийдиган ва сув сепадиган автомашиналарга эга. Санитария-тозалаш ходимларидан фақат оперативчилик ва мавжуд транспорт воситаларидан тўғри фойдаланиш талаб қилинади, холос.

Бироқ баъзи колонналарнинг бошлиқлари кўчаларни супурувчи ишчиларнинг ишга ўз вақтида чиқишини текширмайдилар ва машиналарнинг мунтазам ишлашини назорат қилмайдилар. Тунги соатларда ишловчи сув сепадиган автомашиналарнинг фаолияти назорат қилинмаётир, шаҳарнинг баъзи уйларида рўзғор ташландиқлари узоқ вақт ташиб кетилмасдан қолади. Бу ишда ремонт-қурилиш идоралари ҳам беғамлик кўрсатмоқдалар. Киров ва Куйбишев район ремонт қурилиш идораларининг бепарволиги орқасида шаҳарнинг бир қанча кўчалари — масалан, Финкельштейн, Обсерватория, Оржоникидзе, Учительская, Лугина, Гвардия полковниги Хўжаев, Шаҳрисабз кўчалари қаровсиз ҳолга тушиб қолди.

Райижрокомлар ва автомеханизациялашган колонналар ўз районларида шундай аҳвол рўй бераётганлигига кўникиб қолмоқдалар. Аммо, бизга боғлиқ бўлмаган баъзи масалалар ҳам бор, масалан, шаҳар ижрокомининг фармойишига кўра кўча супурувчи ишчилар ишга соат 4 да чиқишлари керак, ҳолбуки бу вақтда шаҳар қопқоронғи бўлади. Бунинг учун уйларнинг кўча томонларини ёритишга аҳамият берилиши керак.

Бир неча ойлар мобайнида ҳал қилинмасдан пайсалга солиниб келинаётган яна бир муҳим масала бор. Бу — бизнинг варақаларимиз билан якка тартибдаги уйи бор аҳолидан санитария ишлари учун кирим кассаларининг пул қабул қилиши масаласидир. Бизнинг ҳисобимизча, шаҳардаги 120 минг хусусий хонадонда салкам 600 минг аҳоли яшайди ва белгилаб қўйилган тарифга кўра хусусий уйларда яшовчи гражданлар бизнинг варақаларимиз билан ойига 11 тийиндан ҳақ тўлаши керак. Ўзбекистон ССР давлат банки правлениеси эса қўшимча кассирлар ва бинолар керак деган баҳона билан давлат банки кирим кассаларининг аҳолидан пул қабул қилишига монелик қилмоқда.

Бу муҳим масаланинг ҳал қилинмаётганлиги орқасида баъзи районларда, масалан Куйбишев, Фрунзе районларида аҳолидан ундирилган ҳақ баъзи контролёрлар томонидан ўзлаштириб юборилмоқда. Бу ҳолнинг олдини олиш учун биз шаҳар партия ва совет ташкилотларидан масалани тездан ҳал қилиб, бизга амалий ёрдам берадилар деган умиддамиз.

Тошкент шаҳар ижроия комитети санитария тозалиги автотранспорт базасининг кўп сонли ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар коллективи ўз жонажон шаҳрининг санитария жиҳатидан янада озода бўлиши учун курашишга қатъий бел боғлаган.

Ю. ИСМОИЛОВ,
Тошкент шаҳар санитария тозалиги автотранспорт базасининг директори, Ленин район Советининг депутати.

КАТТА ЮТУҚЛАР

Тошкент область. Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасининг ревизори Убайдулла Ёримбетовнинг 3 процентли давлат ички ютуқ облигациясига 2500 сўм ютуқ чиқди.

Ташпромторг ходими Хайрилла Рихсиев эса иккита лотерея билетига холодильник ва тикув машинаси ютди.

Т. Андабоев,
М. Алиев.

ИККИНЧИ КАСБ

Мамадиёр Бобоев билан студиянинг кичик устахонасида танишдик. У қўлида ватман қоғоз, ранг-баранг бўёқлар билан нақшлар композицияси устида берилиб ишларди. Унинг ишига разм солган киши бу ёш рассом ўз касбини севиши, унга бутун меҳри ва қалбини бағишлаганини дарҳол сезади.

Иш орасида суҳбатлашдик. У янги-янги нақшларни, портретларни чиза туриб, ўзи ҳақида жуда оз нарса айтиб берди.

Бундан беш йил муқаддам Мамадиёр пўлат қуювчига шогирд эди. Уни нозик, нафис, юксак дид талаб қиладиган бу иккинчи касбни танлашга нима мажбур этдийкин?

— Бунга ўзим ҳам ҳали-ҳали ҳайрон қоламан, — дейди Мамадиёр. Мен Бекободдаги Дзержинский номли колхоз қишлоғида туғилиб, ўша ерда вояга етганман. Бизнинг оиламизда санъат билан қизиқувчи бирорта ҳам киши бўлмаган, Лекин мен мактабда ўқиб юрган чоғларимдаёқ расм олиш, сурат чизишга қизиқардим. Рассом бўлиш эса ҳаёлимда ҳам йўқ эди.

9-синфни тамомлагач, меҳнат қилишга, оиламизга ёрдамлашишга мажбур бўлдим. Ишладим. Уч йил Совет Армияси сафида хизмат қилдим. Қайтиб келиб бирор ишнинг бошини тутмоқчи бўлдим-у, бироқ касбим йўқ эди. Металлургия заводига оддий ишчи бўлиб кирдим. Орадан кўп вақт ўтмай мастер мени ўзига шогирд қилиб олди. Бригадамиз асосан комсомол-ёшлардан иборат эди. Бригадиримиз ўша пайтлар заводда биринчи бўлиб тезкорлик методининг ташаббускори бўлиб чиққан эди. Ҳаммамиз ҳам яхши ишладик. Бригадамиз аъзоларининг номи ҳурмат тахтасидан ўрин олиб, журналистлар, рассомлар бизнинг ишимиз билан қизиқадиган бўлиб қолишди. Шу пайт Тошкентдан Бекободга рассом Александр Винер келди. Менинг санъат билан шуғулланишимга ҳам ана шу киши сабаб бўлган. Александр Винер металлургларимизнинг расмини олаётганда, мен унинг ишига диққат билан разм солиб турдим, бўёқларни қандай ишлатишини кузатдим.

Шундан сўнг у билан бирга этюдлар чиздик. Лекин мен ҳали бўёқларни жой-жойида ишлата олмас, қўлим ҳам бу ишга унча келишмас эди. Александр Винер эса мени санъатининг сирлари билан таништира борди. Мен яхши расмлар чиза олишимга ишонч ҳосил қила бошладим.

Александр Винернинг маслаҳати билан Тошкент бадиий билим юртига ўқишга кирдим. Дастлаб рассомликка уриниб кўрдим. Натижа унча яхши бўлмади. Сўнг декорация билан шуғуллана бошладим. Мана, кўриб турибсизки, беш йилдан буён шу соҳада иш олиб боряпман.

Ёш рассом ўз ҳикоясини тугатди. Мамадиёр иккинчи касбни ҳам яхши эгаллаб, бу соҳада анча муваффақиятларга эришди. Унинг планшетига назар ташласангиз, жуда нафис ва юксак дид билан чизилган нақшларни кўрасиз. Ёш рассом ҳозир ҳам ўз жонажон қишлоғига, заводига тез-тез бориб туради. Мамадиёр ҳозир республикамиздаги таниқли наққошлардан. У Ўзбекистон ССР халқ рассоми Я. Раупов раҳбарлигида завод маданият саройи деворларини, шипини нақшлаш устида ишламоқда. Шундай қилиб, пўлат қуювчи Мамадиёр уста наққош ҳам бўлиб олди.

О. АПУХТИН.

СУРАТДА: кундан-кунга обод ва гўзаллашиб бораётган Андижон шаҳрининг Октябрь майдони.

У. Рахимов фотоси.



СИЗЛАРГА ЗАФАР ЁР БЎЛСИН!

МОСКВА, 16 сентябрь. (ТАСС). «Журналистларнинг III жаҳон учрашувига зафар ва ҳамжиҳатлик ёр бўлсин, бу учрашув дунёдаги барча мамлакатлар матбуоти, радиоси ва телевидениеси ходимларининг ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилсин» — дейилади СССР Журналистлар союзи правлениесининг журналистлар III жаҳон учрашуви қатнашчиларига мурожаатида.

Мурожаатда айтиладики, жамоат фикрини шакллантирувчи ва уюштирувчи журналистлар зиммасида жуда катта масъулият бор. Журналистнинг профессионал бурчи — тинчлик, тараққиёт, халқлар ўртасидаги дўстликни, инсонни баралла овоз билан ҳимоя қилишдан иборатдир. Журналистнинг вазифаси — ана шу олижаноб ғояларнинг тантанасига ёрдам беришдан иборатдир.

Журналистлар III жаҳон учрашуви, деб таъкидланади мурожаатда, дунёда халқаро кескинликнинг юмшаши бошланади, давлатлар ўртасидаги муносабатларда низоли масалалар музокаралар йўли билан ҳал этилади деган умид туғилган кунларда тўпланди. Совет журналистлари умид қиладиларки, уларнинг Жазоирда тўпланган ҳамкасблари тинчлик йўлида қўйилган дастлабки конкрет қадамни қизғин ва якдиллик билан маъқуллайдилар. Ядро қуроли синовларини қисман тақиқлаш тўғрисидаги Москва Шартномаси ана шундай қадамдир.

III жаҳон учрашувида иштирок этишдан бош тортган Бутунхитой журналистлар союзининг қароридан СССР Журналистлар союзи таассуфланади, дейилади сўнгра мурожаатда. Бу қадамга важ қилиб кўрсатилган гапга тушуниш қийин, учрашув гўё «сиёсий характерда эмас, балки профессионал характерда бўлади» эмиш. Журналистик ҳунарини сиёсатдан, тинчлик учун курашдан, дунёдаги иккита энг йирик социал система мусобақасида иштирок этишдан ажратиб қўйиш мумкин эмас.

Биз совет журналистлари III жаҳон учрашувидаги дискуссиялар ва мунозаралар қизғин ва ўткир бўлишининг тарафдоримиз. Лекин мунозараларнинг қатнашчилари тинчлик, қуролсизланиш ва социал тараққиёт йўлига инсониятнинг мустаҳкам туриб олишида яхшироқ ёрдам кўрсатиш соҳасида, империализм, мустамлакачилик, ирқий камситиш, «совуқ уруш» ва қуролланиш пойгаси сингари ҳамма томонидан тан олинган иллатларни тағ-томири билан тезроқ тугатишга эришиш йўлида мусобақалашсинлар.

СССР Журналистлар союзи учрашув қатнашчиларини ер юзида мустаҳкам тинчлик йўлида, инсоният бахт-саодати йўлида барча мамлакатлар журналистларининг профессионал дўстлиги ва ҳамкорлигини ривожлантиришга чақиради.

ИШЧИ МУХБИРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар икки йиллик ишчи мухбирлар университети 1963-1964 ўқув йили учун биринчи курсга тингловчилар қабул қилади.

Университетда ўқиш учун Тошкент шаҳридаги корхоналар, қурилиш ва транспортнинг илғор ишчи ва хизматчилари, инженер-техник ходимлари, матбуот активлари, газета ишидаги тажриба ва назарий билимларини оширишни истаган кишилар қабул қилинади. Университет партия сиёсий маорифи шохобчаларидан бири сифатида ҳам иш олиб боради.

Аризалар 1 октябргача, якшанба кунларидан ташқари, ҳар куни қабул қилинади.

Аризага партия комитети, партия бюроси, кўп тиражли газета редколлегияси тавсияномалари ҳам қўшиб топширилиши керак.

Қабул комиссиясининг адреси: «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, 3-қават, 62-хона, телефон — 34-451.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.
Р 13517 Индекс 64543. Нашр. № 218.

ЭЪЛОНЛАР. ТОМОШАЛАР.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

18 СЕНТЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Қаҳрамонларимиз ҳақида** (мактаб ўқувчилари учун). 18.25 — **Германия Демократик республикаси (Лейпциг шаҳри)—«Пахтакор» (Тошкент) командалари ўртасида халқаро футбол мусобақаси. Танаффусда телевизион янгиликлар.**

Ўзбек тилида: 20.15 — **Телевизион янгиликлар,** 20.35 — **Кўпминг килограммчилар ҳаракати кенгаймоқда** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун).

Рус тилида: 20.50 — **Журналистлар доира стол ёнида,** 21.15 — **Максимнинг қайтиши** номли бадиий фильм («Совет киноклассикаси» циклидан).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 20.40 — **Ғунча журнали саҳифаларида,** 21.05 — **Новатор минбари,** 21.25 — **Ҳужжатли фильм.**

Рус тилида: 21.45 — **Авлодлар эстафетаси,** 22.05 — **Кинооператор Роман Кармен** («Совет кино усталари» циклидан).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 18/IX да **Мирзо Улуғбек,** 19/IX да **Гамлет.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА:

Осмонни забт этганлар — «ВАТАН», «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун). НАВОИЙ номли (кеч соат 8-40 ва 10-20 минутда), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Дипломсиз куёв — «ДРУЖБА» (1-залда). «МИР» (кундуз ва кечқурун). «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Чегара бузувчи — «МИР» (эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да).

Уйимиздаги эркак (1 ва 2-серияси) — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 2, кеч 6 ва 9 да), «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун). «ИСКРА» (кундуз соат 1, 1-40 минут, кеч 8 ва 8-40 минутда).

Сизни севамиз — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12 ярим ва 4 яримда).

Севгига қанча сўз даркор — «ДРУЖБА» (2-залда кундуз ва кечқурун).

«Кўршапалак» эскадрильяси — «ЮЛДУЗ» (кеч соат 5, 7 ва 9 да).

Янги Деҳли (1 ва 2-серияси) — «ВОСТОК» (кеч соат 6 ва 9 да).

Учинчи ракета — «ЁШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқурун).

Озодлик оролидан келган меҳмон — КИНОЛЕКТОРИЙ (кундуз соат 1 дан).

ЁЗГИ БИНОДА:

(кеч соат 8-15 минут ва 10 да)

Тилла тиш — НАВОИЙ номли.

Уйимиздаги эркак (1 ва 2-серияси) — «РАКЕТА», ТЕЛЬМАН номли, «МЕҲНАТ».

Севгига қанча сўз даркор — «ВАТАН», «ХЕВА».

Уч плюс икки — «ФЕСТИВАЛЬ», «САЛЮТ», ПУШКИН номли.

Беҳуда ўтган умр — «УДАРНИК».

Эҳтирослар кўрфази — «1 МАЙ».

Қизлар баҳори — СТЕПАН РАЗИН номли.

Эртага келинг — «ПАХТАКОР».

Учинчи ракета — КАФАНОВ номли.

Иоланта — «ПОБЕДА».

Эски Чинагода — «ШАРҚ».

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
18 сентябрда
УЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ВА ЭСТРАДА СОЛИСТЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТИ

Концертда: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Коммуна Исмоилова, Қундуз Миркаримова,** солистлардан **Фахриддин Умаров, Ҳадя Юсупова, Тоштемир Шарипов, Неля Раҳимова, Равшан Мўминова, Алижон Ҳасанов, Сора Шукурова** ва бошқалар қатнашадилар.

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

22, 23, 24, 25 сентябрда
СССР бўйлаб биринчи марта
45 кишидан иборат
ПОКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИ АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТЛАРИ

Программада: Покистон халқларининг ашула, музика ва рақслари.

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар Концерт зали кассасида кундуз соат 12 дан ва район кассаларида эрталаб 11 дан сотилади.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ
чет тиллар кафедрасининг вакант мудири (фан доктори ёки кандидати) вазифасида ишлаш учун

КОНКУРС

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — 1 ой.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 55-а уй, телефон 4-04-13, 4-04-14.